

“Нишон пахта тозалаш” АЖнинг 2017 йил йиллик тузилган бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар ҳисоботлари кўрсаткичлари таҳлили юзасидан АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ.

28.04.2018 йил.

Ҳисоботдан фойдаланувчиларга

Молиявий таҳлил МЧЖ шаклидаги «HOMBUR-AUDIT» аудиторлик ташкилоти томонидан тайёрланди.

МЧЖ шаклидаги «HOMBUR-AUDIT» аудиторлик ташкилоти Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2009 йил 16-октябрдаги № 00614 сонли лицензияси асосида аудиторлик фаолиятини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2016 йил 11 июн ойидаги № 05393 сонли малака сертификтига асосан мен Ш.Жовлиев, 2017 йил 31- декабр ҳолатига тузилган бухгалтерия балансини аудиторлик таҳлилидан ўтказдим. Баланс ликвидлиги таҳлили буйича мазкур хулосаси “Нишон пахта тозалаш” АЖнинг 2017 йил 31-декабр ҳолатига тузилган баланс кўрсаткичларига асосланади. Кўрсаткичларнинг туғрилиги, ишончлилиги юзасидан ҳисоботни айёрлаган мазкур жамият раҳбарияти жавобгар. Ушбу аудиторлик ҳисобот молиявий хужалик фаолияти учун асос бўлиб ҳисобланмайди.

1 Умумий маълумотлар

“Нишон пахта тозалаш” АЖ Нишон тумани Нишон кишлоғида жойлашган СТИР: 201284740 Фаолият тури- Ишлаб чиқариш .

Жамиятнинг мажбуриятлари бажариш қобилияти, активлар ликвидлиги, тулов қобилияти молиявий ҳисобот кўрсаткичларини таҳлил этиш орқали аниқланганда қуйидаги натижаларни кўрсатди:

2 Молиявий Кўрсаткичлар таҳлили

1) Жамият 2017 йилда 111522853,0 минг сумлик бажарилган ишлардан олинган соф тушумга эга бўлиб, йилни 4572320.0 минг сум соф фойда билан якунлаган Рентабеллик даражаси 4,10 %.

2) Баланс кўрсаткичлари, валюта қиймати. Жамият баланс валютаси 2017 йил 31 декабрь ҳолатида (400-сатр) 83547595,0 минг сўмни ташкил этган, жумладан узок муддатли активлар (130-сатр) 12718134,0 минг сум, жорий активлар (390-сатр) 70829461,0 минг сўм, ўзлик маблағлари манбалари (480-сатр) 30753170,0 минг сўм, Узок муддатли мажбуриятлар (490-сатр) 940000,0 минг сум, Узок муддатли банк кредитлари (570-сатр) 940000,0 минг сум, Узок муддатли қарзлар (580-сатр) 0 минг сум, жорий мажбуриятлар (600-сатр) 51854425,0 минг сум, жами мажбуриятлар (770-сатр) 52794425,0 минг сўмни ташкил этган.

3) Мажбуриятларни активларга нисбатан (левередж даражаси) 31 декабрь ҳолатига 0,75 ни ташкил этган, яъни шу санада жамиятнинг 75 фоизи активлари қарз маблағлари ҳисобига, 25 фоизи ўз маблағлари ҳисобига молиялаштирилган. Бу соҳа учун паст кўрсаткич ҳисобланади.

4) Қоплаш коэффиценти (Кил) 2017 йил 31 декабрь ҳолатида 1,37 ташкил этиб, жорий мажбуриятларни тезда қоплаш меъёрий кўрсаткич (1.25) дан юқори бўлиб, жамиятнинг туловга қодир эканлигини кўрсатади.

5) Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффиценти (Кос) 2017 йил 31 декабрь ҳолатида 0,27 ни ташкил қилиб, меъёрий кўрсаткич (0.20) дан юқори бўлиб, ўз айланма маблағлари билан старли таъминланган.

6) Жамиятнинг айланма маблағлари 2017 йил охирида 70829461,0 минг сўмни, соф қанитали 30753170,0 минг сўмни ташкил қилган.

“Нишон пахта тозалаш” АЖнинг таҳлилий кўрсаткичлари юқори бўлиб, жамиятнинг шу санада мавжуд бўлган соф қанитали даражасида мажбуриятларни бажариш имқолиятига эга деб ҳисоблаймиз.

МЧЖШ «HOMBUR-AUDIT»
директори:
Ресстр №114 28.04.2018 йил
“Нишон пахта тозалаш” АЖ



Ш.Жовлиев